VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

33 (198) ● 2012 йил 22 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

# Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

*МУСТАҚИЛЛИК туфайли ўзбек аёли давлат ва жамоат арбобига айланди, тадбиркор ва фермер сифатида мулк эгаси бўлди, илм-фанда юксак чўққиларни забт этди, спортчи сифатида йирик халқаро мусобақаларнинг ғолиби бўлди.*



*ЎҚУВ-СЕМИНАР давомида "Ёшлар қаноти" етакчиларининг салоҳиятини юксалтириш, сиёсий билимларини бойитиш, аъзолари фаоллигини оширишга қаратилган билим ва кўникмалар берилди.*



*ЎРНИ келганда эътироф этиш жоизки, ЎзМТДП туман Кенгаши билан яқин ҳамкорлигимиз соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини қадриятларимиз давомчилари орасида тарғиб қилиш ва тушунтиришда қўл келмоқда.*



2 СИЁСАТ

3 ЎзМТДП ЁШЛАРИ

4 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## Тошкент дунёнинг энг яхши шаҳарлари рейтингидан ўрин олди

**Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.**

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтинги имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди — танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби анъанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар — Тошкент иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингида 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича асосан Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, холос.

Дунё рейтингида соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

**ЎзА**



● ЎзМТДП ЁШЛАРИ

***Юртимизнинг йигирма бир йиллик тараққиёт йўлида амалга оширилган барча эзгу ишлар марказида ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини таъминлаш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш туради.***

***ЎзМТДП ҳам ўз Дастури ва сайловолди Платформасида ёшлар масаласига алоҳида урғу бериб, уларни миллий, маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий вориси, замонавий билимлар эгаси қилиб вояга етказиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, юксак маънавиятли, ахлоқли, эркин ва масъулиятли комил инсонни тарбиялашни асосий вазифа сифатида белгилаган.***

***Бугунги кунда ЎзМТДПнинг 125 минг нафардан ортиқ аъзоси мавжуд. Шундан 30 ёшгача бўлганлар 48,7 фоизини ташкил этади. Партия дастурий мақсад ва вазифаларини жамоатчилик орасида тарғиб қилишда ёшларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда.***

3-бет

## Самимий қутловлар

**Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.**

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Барак Ҳусейн Обама;**

Кувайт Давлати Амири **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Мурсий;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Маҳмуд Аҳмадинежод;**

Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин Эҳсонўғли;**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳаммедов;**

Озарбойжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Зиллур Раҳмон;**

Сингапур Республикаси Президенти **Тони Тан Кенг Ям;**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ҳамид Карзай;**

Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси, Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси **Маҳмуд Аббос;**

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода** ўз табрикларини йўлладилар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

● ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## Миллий ҳунармандчилик

**УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЎзМТДПНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА**

***Буюк ипак йўли бўйлаб мағрибдан машриққача халқимизнинг миллий қадриятларини ўзида мужассам этган зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, сопол идишлар, бежирим дўппилар, кимхоб тўнлар, бетакрор гиламлар савдогарлар ўртасида машҳур бўлган.***





4-бет

● МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

***Оддий тупроқ ёки ёғочдан уста қўлида санъат асарига айланган буюмни кўрганимизда, беихтиёр кулол маҳорати, ўймакор диди ва сабр-бардошига таҳсинлар айтамиз. Шу онда "Инсон қўли мўъжизалар яратишга қодир", деган ўлмас ҳақиқат ёдимизга тушади. Худди шундай, бежирим матодан тикувчи меҳнати боис миллатга хос улуғлик бериб тикилган либосни ёки заргар маҳоратида тобланиб хотин-қизларимиз кўркига кўрк бағишлайдиган тақинчоқларни кўрганимизда ҳам ушбу фикрлар кўнглимиздан ўтади.***

## Жиззах ўлкашунослик музейи

**ВИЛОЯТ ТАРИХИ КЎЗГУСИ**

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

● КОНЦЕПЦИЯ: ЎзМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## Ислоҳотларнинг янги босқичи

### ЯНГИЧА ИШЛАШГА УНДАЙДИ

***Истиқлолнинг йигирма биринчи қадамини қўйган Ўзбекистонда бугун тинч ва осойишта ҳаёт, фаровон турмуш, жамиятимизда барқарорлик ҳукм сурмоқда. Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг ўтган қисқа даврида демократик ўзгаришлар борасида амалга оширилган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да илгари сурилган ғоя ва таклифлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш, юртимизни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

ЎзМТДП Данғара туман Кенгаши томонидан Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, партия “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими, “Камолот” ЁИҲ туман бўлими Кенгаши вакиллари ҳамда “Қора-кўпа” МФЙ фаоллари иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Данғара туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси И.Исақов сўзга чиқиб, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролига эътибор қаратди.

— Концепция мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда белгиланган вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишида асос бўлиб хизмат қилади. Жамиятимиз тараққиёти борасида белгиланган мақсад-муддаоларни ҳаётга жорий этишда мазкур Концепция биз учун дастуриламал бўлиши лозим. Бунинг учун аввало, партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз, самарали ва таъсирчан тадбирларни кўплаб ташкил қилишимиз керак. Тарғибот ишларида партия Устави ва дастурида белгиланган вазифалардан узоқлашмаслигимиз зарур,- деди ҳудудий партия ташкилоти етакчиси.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тараққиётини мутлақо янги босқичга олиб чиқувчи мазкур Концепция кенг жамоатчилик, жумладан, дунёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, етук сиёсатшунослар, экспертлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Унда илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари одамларни янги марралар сари ундаб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Концепцияда таклиф этилган қонунчилик ташаббуслари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мавжуд сиёсий партиялар, хусусан, ЎзМТДПнинг ҳам ваколатларини янада ошириш, жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу боис бундай юксак ишончга жавобан сиёсий етукликка интилиш, ҳокимият учун курашда соғлом рақобатга таяниш, бир сўз билан айтганда, фаоллик ва масъулиятни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давра суҳбатида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, партия кадрлари малакасини оширишнинг замонавий усул ва воситаларини қўллаш, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларига оид долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда туманнинг энг олис ҳудудларида ҳам Концепцияда таклиф этилган ғояларнинг долзарб аҳамияти, ҳаётимизда тутган ўрни, мазмун-моҳияти ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотининг жорий йил давридаги фаолияти таҳлил қилиниб, аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгиланди.

**Концепция мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда белгиланган вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишида асос бўлиб хизмат қилади. Жамиятимиз тараққиёти борасида белгиланган мақсад-муддаоларни ҳаётга жорий этишда мазкур Концепция биз учун дастуриламал бўлиши лозим.**

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● ЎҚУВ-СЕМИНАР



## Фаол хотин-қизлар

### МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор туфайли жамият ҳаётининг турли жабҳаларида аёллар эркаклар билан елкама-елка туриб фаолият олиб бормоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги роли йил сайин ошиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.***

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан “Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотларининг “Аёллар қаноти” етакчилари ва вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўқув-семинар хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, хотин-қизларда ўзини ўзи англаш туйғусини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий мавқеи, давлат ва жамоат ишларидаги иштирокини янада кучайтириш мақсадида ўтказилди.

— Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи юксак даражага кўтарилди, — деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Бугун қайси соҳани олманг, унда аёлларнинг ўрни ва роли катта эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Мустақиллик туфайли ўзбек аёли давлат ва жамоат арбобига айланди, тадбиркор ва фермер сифатида мулк эгаси бўлди, илм-фанда юксак чўққиларни забт этди, спортчи сифатида йирик халқаро мусобақаларнинг ғолиби бўлди. Эътироф этиш жоизки, бугун ЎзМТДП сафида 125 мингдан ортиқ партия аъзолари бўлиб, шундан қарийб 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган бу каби тарғибот тадбирлари “Аёллар қаноти” сафида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда лидерлик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, партия қуйи бўғинлари ва маҳаллий кенгашларда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг фаоллигини оширади, уларда гуруҳлар билан интерактив ва фаол равишда ишлаш кўникмаларининг шаклланишига замин яратади.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова “Миллий тикланиш ва тараққиёт ғоясини амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— ЎзМТДП «Аёллар қаноти» томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини, демократик жамиятни шакллантиришдаги фаоллигини ошириш, жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини мустаҳкамлаш борасида туркум тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий ва ўқув-семинар ҳамда кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганиш бўйича бир қатор ўқув-семинарлар, «Юксак маънавиятли оила — юксак тараққиёт гарови» мавзусида давра суҳбатлари, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови, «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишлаб «Хуш келдинг, Наврўз!» деб номланган телемарафон юқори савияда ташкил этилди. Бугунги ўтказилаётган семинарни ҳам амалий ишларимизнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Икки кун давом этган ўқув-семинарда “Миллий тикланиш ва тараққиёт ғоясини амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни”, “Партия ғоя, мақсад ва мафкурасини аёллар ўртасида тарғиб қилишнинг долзарб вазифалари”, “Мустаҳкам оила йилида ЎзМТДП фракцияси томонидан Қонунчиликка киритилаётган таклифлар”, “Ҳудудий партия ташкилотлари қошидаги “Аёллар қаноти” фаолиятининг таҳлили”, “ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда “Аёллар қаноти”нинг ўрни ва роли” мавзусидаги маърузалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Маърузачилар ЎзМТДПнинг хотин-қизлар фаолиятига қаратилган дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аниқ таклифлар, тадбирлар режаси, дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш йўлида партиянинг ўзига хос услубини ишлаб чиқиш юзасидан билим ҳамда кўникмалар бердилар.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларга гувоҳномалар топширилди.

**Мақсуда ПОЯНОВА,**
**ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси:**

— Ўқув-семинарда тадбирларни сифатли ташкил этиш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга кўмаклашиш орқали партия сафига интилувчан, лидерлик қобилиятига эга фаол аёлларни жалб қилиш борасида муҳим кўникмаларга эга бўлдик. Бундан ташқари вилоят кенгашлари фаолияти билан танишиш ва тажриба алмашишимизга замин яратди.

**Гулчеҳра ШАРИПОВА,**
**ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси:**

— Ўқув-семинарда тақдим этилган маърузаларда партия сафини зукко, билимли, ташаббускор ва илғор хотин-қизлар билан кенгайтиришда маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ўтказишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда кенг қўллаш бугунги кун талаби эканлиги алоҳида эътироф этилди. Бу ерда ўрганганларимизни, албатта, вилоятга бориб, амалиётда қўллашга ҳамда фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга ҳаракат қиламиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

### Маҳаллий кенгаш депутатлари:

## Қатъият ва ташаббускорлик қани?

***Мамлакатни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг ҳозирги босқичи ҳар бир сиёсий партия ва ундан сайланган депутатлар зиммасига юксак масъулият юкламоқда. Зеро, халқ ишониб сайлаган депутат ташкилотчи ва ташаббускор, ўз вазифа ҳамда масъулиятини теран англаган ҳолда фаол ҳаракатда бўлсагина сайловчиларнинг ишончини қозона олади.***

Хўш, халқ депутатлари Кармана туман Кенгашига сайланган депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолияти талаб даражасидами? Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг иштироки қандай бўлмоқда? Биз ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат бўлимида бўлиб, депутатлар фаолиятига доир ҳужжатлар билан танишдик.

Кармана тумани қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудуд. Айни пайтда туманда 106 222 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Кейинги йилларда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, барча шароитларга эга замонавий уй-жойлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган 2011 йилда 190 та намунавий лойиҳа асосидаги турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда тумандаги “Ҳазора”, “Маликработ”, “Варқ”, “Дўстлик” массивларида жами 282 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қад ростлайди.

Кармана аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 500 дан ортиқ кичик корхона, хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчалари фаолият юритмоқда. Айни пайтда 4297 нафар якка тартибдаги тадбиркор ва 1218 та юридик мақомга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Ўтган 2011 йилда мавжуд корхоналарни кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобига жами 5122 та иш ўрни ташкил этилган. Жорий йилда эса яна 4846 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқнинг турмуш тарзини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар эътирофга молик. Бироқ бу каби хайрли ишларда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги сезиларли даражада эмас. Ваҳоланки, айни пайтда туман Кенгашида 28 нафар депутат фаолият юритмоқда. “Адолат” СДП ва ЎзМТДПдан 4 нафардан, ЎзХДП ҳамда ЎзЛиДеПдан эса 10 нафардан депутат сайланган.

Ўтган 2011 йилда Халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши 6 та сессия ўтказган. Халқ депутатлари туман Кенгашидан нисбатан кўп депутатлик ўрнини эгаллаган ЎзХДП депутатлик гуруҳи вакиллари сайловчилар ва электорати манфаатларини таъминлаш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан таклиф ёхуд ташаббус билан чиқишда сусткашликка йўл қўйишмоқда.

Бугунги кунда Кармана туманида 935 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила мавжуд. Шунингдек, аҳолига ижтимоий нафақа тўлашда маҳаллий мутасадди ташкилотлар эътиборсизлиги туфайли ва коммунал хизмат соҳасида ҳам айрим муаммолар кўзга ташланмоқда.

Жорий йилнинг 28 июнь куни ўтказилган туман Кенгашининг XIII сессиясида 6 та масала муҳокама этилган. Сессияда Президентимизнинг 2012 йил “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорининг тумандаги ярим йиллик ижроси ва жорий йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида оилавий бизнесни йўлга қўйиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини ташкил этиш каби долзарб масалалар муҳокама этилган. Аммо сессияда биронта сиёсий партия депутатлик гуруҳи ташаббус билан чиқмаган. Ваҳоланки, ЎзХДП Сайловолди дастурида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласини назорат қилиш, ёшлар бандлигини таъминланишига амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурлар ижросини ўрганиш, ушбу соҳаларда фаолият юритаётган кишилар меҳнатини ҳимоя қилиш, оилавий бизнес билан шуғулланиш истагида бўлган электорат вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгилаб қўйилган. Бироқ ўзида 1576 нафар аъзони, 45 та қуйи бўғин ҳамда 10 нафар депутатни бирлаштирган партия туман Кенгаши ана шундай масалаларга панжа орасидан қарамоқда.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Кармана тумани, айниқса, миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантириш учун қулай ҳудуд саналади. Бу юртда кўплаб қўли гул усталар, зардўзлар, кулоллар, бешиксозлар фаолият юритмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозорларимизда харидоргир, балки хорижий сармоядорлар ва ҳудудга ташриф буюраётган сайёҳларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Кузатув ва таҳлиллар туманда туризм ва ҳунармандчиликни янада такомиллаштириш йўналишида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Демак, бундай ҳолат дастурий мақсадларида ҳунармандчиликни ривожлантириш, улар манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутган ЎзМТДПдан сайланган депутатлар учун ҳам бегона эмаслигини намоён этмоқда. Ҳолбуки, ЎзМТДП вилоят Кенгаши томонидан маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини жонлантириш учун йил бошидаёқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва шу асосда бир қатор тадбирлар, ўқув-семинарлар ташкил этилган эди. Шунга қарамасдан партиямиздан сайланган депутатларда ҳам электорат манфаатларини ҳимоя қилишда зарур ташаббускорлик етишмаяпти.

Мухтасар айтганда, халқ депутатлари Кармана туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятида қатъият ва ташаббускорлик етишмаяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кун сайловчисининг ҳуқуқий онги ва маданияти тобора юксалиб бормоқда. Бу эса маҳаллий Кенгаш депутатларидан ташаббускор ва янада фаолроқ бўлишни талаб этади.

**Ўрни келганда айтиш жоизки, Кармана тумани, айниқса, миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантириш учун қулай ҳудуд саналади. Бу юртда кўплаб қўли гул усталар, зардўзлар, кулоллар, бешиксозлар фаолият юритмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозорларимизда харидоргир, балки хорижий сармоядорлар ва ҳудудга ташриф буюраётган сайёҳларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Кузатув ва таҳлиллар туманда туризм ва ҳунармандчиликни янада такомиллаштириш йўналишида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.**

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# ЎзМТДП ЁШЛАРИ



## Ёшларнинг сиёсий фаоллиги

### ПАРТИЯ НУФУЗИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

***Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни модернизациялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда.***

Ушбу жараёнда ёш авлоднинг фаол иштирокини таъминлаш муҳим вазифалардан бири саналади. Зеро, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгариш ва янгиланишлардан хабардор бўлган, билим ва тажрибаларини амалда қўллай оладиган ёшлар улуғвор мақсадларимизга эришишда асосий кучга айланиши шубҳасиз. Шу маънода, партия "Ёшлар қаноти" фаолияти ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий етакчилик қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилояти Кенгаши томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб, "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида "Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг вазифалари" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши аъзолари, ҳудудий партия ташкилотларининг "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Камолот" ЁИҲ вилоят Кенгаши етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Ўқув-семинар ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда "Демократик ислоҳотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг ўрни", "Сиёсий етакчи қандай бўлиши керак?", "Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" аъзоларининг вазифалари" каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Жумладан, "Сиёсий етакчи қандай бўлиши керак?" мавзусидаги тренингда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ёшлар ташаббускорлиги муҳим эканлигидан келиб чиқиб, ёш сиёсий етакчиларни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, маҳаллий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" етакчиларига ёшлар ўртасида ЎзМТДП ғояси ва мақсад-вазифаларини тарғиб этишнинг замонавий сиёсий технологиялари ўргатилди. Ёшлар билан ишлашда интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳамда улар манфаатларини ифода этишга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича зарур маълумотлар берилди.

Ўқув-семинар доирасида партия вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг 2012 йилнинг биринчи-ярим йилликдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Фуқаролик жамияти институтлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Айниқса, "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолияти атрофлича муҳокама этилди. Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам эътироф этилди. Келгусида уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Семинар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан партия вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлари белгилаб олинди.

**Ботир ШАРОПОВ,**
**ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси:**



— Семинар "Ёшлар қаноти" фаолиятини ривожлантириш, етакчилар фаолиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тақдим этилган маърузалардан ўз фаолиятимни ташкиллаштиришга доир қимматли маълумот ва керакли кўрсатмалар олдим. Туман миқёсида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар талай эканлигини англаб етдим. Бу борада биринчи ўринда парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган ғояларни амалий фаолиятимизда асос қилиб олиш энг маъқул ва мақбул йўлдир.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан ёшлар ўртасида бу каби ўқув-семинарнинг ўтказилиши ва уларда депутатлар ҳам иштирок этаётгани "Ёшлар қаноти"нинг келажакдаги истиқболларини белгилаб беради.

**Жамшид БЕРДИЕВ,**
**ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:**



— Ўқув-семинар давомида "Ёшлар қаноти" етакчиларининг салоҳиятини юксалтириш, сиёсий билимларини бойитиш, аъзолари фаоллигини оширишга қаратилган билим ва кўникмалар берилди. Айниқса, туман, шаҳар Кенгашлари "Ёшлар қаноти" етакчилари билан ўзаро фикр алмашиш, орттирилган тажрибаларимизни ўртоқлашиш ва ҳамкорликни кучайтириш каби масалаларга бағишланган мулоқотлар менда катта таассурот уйғотди. Ўйлайманки, билдирилган долзарб таклиф ва мулоҳазалар фаолиятимизда янгидан-янги лойиҳаларни амалга оширишда қўл келади.

**Нурбек УЛУҒБЕРДИЕВ,**
**"Камолот" ЁИҲ Навоий вилояти Кенгаши раиси:**



— "Камолот" ЁИҲнинг асосий вазифаси навниҳол ёшларни тўғри ўстириб, парваришлаб, ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашдан иборат. Буни қарангки, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг устувор йўналиши бўлган миллий ғурур, қадриятларни асраш, ўзликни сақлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар бевосита бизнинг мақсадларимиз билан ҳамоҳангдир. Ҳамкорликдаги бу каби тадбирлар ёшларимизни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида ёрдам беради. Обод заминда камол топаётган ёшларимиз, келгусида, албатта, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.

**Манзура АМОНОВА,**
**"Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаоли:**



— Семинар давомида истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга яна бир бор тўхталиб, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ҳузуридаги "Сиёсий билимдонлар клуби"нинг истиқболдаги режаларини белгилаб олдик. Аввало, миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, турли ҳаракатларга қарши курашмоғимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бунда юксак ақл-идрокка эга бўлиб, огоҳ ва ҳушёр бўлиш, мустақиллик ғояларини илгари суриш, "оммавий маданият"га қарши тура олиш муҳим аҳамият касб этади.

**Нурали ЖАМИЛОВ, Дилшода ВОҲИДОВА,**
**ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши**
**"Ёшлар қаноти" етакчилари**

## Мустақиллик — менинг тақдиримда

**Сардора РАҲИМОВА,**
**ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:**



— Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилганман. Тумандаги 12-ихтисослаштирилган мактаб интернатини тамомлаб, 2006 йилда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Талаба бўлиш бахтига муяссар бўлганимдан, шундай юртда туғилиб, камол топаётганимдан ўзгача ғурурга тўлгандим ўшанда.

Иқтисодчи сифатида буюк тарихий шахслар, улуғ бобокалонларимизнинг иқтисодий соҳадаги қарашларини чуқур ўрганган ҳолда, қатор илмий мақолалар ёза бошладим. Инглиз тилини ўрганишга иштиёқим баланд. Бу мени имконияти чекланган, махсус интернатларда таҳсил олаётган болалар учун мўлжалланган "We learn English" электрон ўқув дастурини яратишга ундади. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги тарихий обидаларимиз ҳақидаги электрон слайдни яратдим ва у 2007 йилда "Халқаро аёллар-интернет фестивали"да алоҳида эътироф этилди.

Ҳозир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзосиман. "Ёшлар қаноти" сафида туриб, турли тадбирлар ва семинарлардаги иштироким раҳбарлик ва етакчилик қобилиятимни шакллантирмоқда. Партиянинг турли лойиҳаларида, ўқувларида олган билимларим "Аждодлар мероси", "Президент асарлари билимдони", "Дунё — ёшлар нигоҳида", "Минг йиллик мақсадлар", "Барҳаёт анъаналар" каби вилоят, Республика ва халқаро танловлардаги муваффақиятларимга қанот бахш этди.

2008 йил — "Ёшлар йили" ҳаётимга унутилмас лаҳзаларни туҳфа этди. Биз ёшлар учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, Фонд Форум ва Меҳр Нури жамғармалари томонидан таъсис этилган "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" дастурида ғолиб бўлдим. Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган "Агро Бизнес Ценр" бизнес лойиҳам билан Фонд Форум ва "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши томонидан ўтказиладиган "Келажак овози — 2008" Республика ёшлар танловининг "Ижтимоий лойиҳалар ва Бизнес режалар" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдим. ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" етакчиси сифатида 2009 йилда бўлиб ўтган сайловларда халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашига депутатлик номзодимни кўрсатдим. Гарчи сайловларда ғалаба қозониш насиб этмаган бўлсада, ўз устимда тинимсиз ишлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимларимни янада ошириш ҳамда фуқаролик нуқтаи назаримни мустаҳкамлаш лозимлигини англадим.

Келажакда орзуларим жуда кўп. Жамиятнинг қайси бир жабҳасида фаолият олиб боришимдан қатъий назар ўз ҳаётимни ЎзМТДП билан боғлашни мақсад қилганман.

**Орифхўжа МЕЛИЕВ,**
**ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:**



— Мустақиллик халқимизнинг узоқ йиллик интилиши туфайли қўлга киритилган буюк ғалаба, катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. Истиқлол берган имкониятлар боис халқнинг маънавий уйғониши учун тенгсиз имкониятлар эшигини очди. Буни биз таълим, фан, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида ёшлар эришаётган ютуқлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Мен ҳам барча тенгдошларим сингари мустақиллик берган улкан имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдаман. Устозларим берган билимлар, орзуларим йўлида тинимсиз изланишларим мени шаҳримиздаги нуфузли — "Умид" иқтидорли болалар лицейига ўқишга киришимга сабаб бўлди. Лицейни тамомлаб ЖДПИ қошидаги 2-сон академик лицейига ўқишга кирдим. Таълим олиш давомида "Иқтисодий билим асослари" фанидан вилоят фан олимпиадасида иккинчи ўринни эгалладим. "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида иштирок этишим эса сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларга қизиқишимни янада кучайтирди.

Мен ҳам 2010 йил Жиззах давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирдим. Бу ҳаётимдаги энг муҳим қадамларимдан бири бўлди ва ўзимга бўлган ишончим янада ортди.

Сиёсий билимларимни бойитиш, юрт тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлдим. Боиси, партия ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур уйғотиш билан бирга миллий-маънавий-тарихий қадриятларимиз ҳамда тарихимизнинг ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялашни ўз мақсадларидан бири деб ҳисоблайди. Бу эса менинг дилимдаги гаплар эди. Ҳозир партия Жиззах вилоят Кенгаши қошида ташкил этилган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзосиман. Клуб томонидан ташкиллаштирилаётган ҳар бир тарғибот ишлари ва ўқувларда ўз лойиҳам билан иштирок этишга ҳаракат қиляпман. "Ижтимоий-сиёсий жараёнлар — бугунги ёшлар нигоҳида" минтақавий кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритдим. Партия ғояларини тенгдошларим орасида тарғиб қилишнинг янги усулларини излаб топиш мақсадида "Ёшлар қаноти" фаоллари билан бирга турли дебатлар олиб боряпмиз. Мақсад эса битта — мустақиллик менга улкан имкониятлар эшигини очди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ватан тақдирини ўз тақдирим билан чамбарчас боғлаб, юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиш.

**Нодира БАКИРОВА,**
**ЎзМТДП Қуйичирчиқ туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:**



— Ўзбек миллий либосларининг чиройи, жозибаси ҳамда бетакрорлиги мени ушбу гўзалликдан баҳраманд бўлишга чорлади. Ва орзуларимни амалга ошириш мақсадида 2005-2009 йилларда Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олдим. Ўқиш давомида кўпгина ютуқларга эришдим. Жумладан, 2008 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Style.uz мода ва дизайн ҳафталигининг миллий болалар либослари кўргазмасида ғолиб топилиб, махсус диплом билан тақдирландим.

Миллий либос фестивали дастури доирасида Ўзбекистонлик 27 нафар модельернинг 23 та либос тўпламида 220 хил либоси намойиш қилинди. Улар ўзида вилоятлардаги турли урф-одатлар, шакллар ва матолар хилма-хиллигини акс эттиради. Ҳафталик давомида бир қатор хорижлик профессионал модельерлар билан бирга биз каби ёш ижодкорларнинг ҳам борлиги қалбимда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сафига миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, энг аввало, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган ватанпарварларни бирлаштиргани боис, мен айнан шу партияни танладим ва унга аъзо бўлдим.

Келажакдаги энг катта орзуим — либос дизайнерлиги соҳасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, халқаро майдонда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини намоён этиш ва миллий либосларимизнинг довруғини дунёга танитишдир. Мустақиллик менга мана шундай улкан орзулар билан яшаб, мақсад сари олға интилишимга йўл очиб берди.

## Интеллектуал салоҳиятли ёшлар

### ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ РЎЁБИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун келажак эгалари фан, таълим, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда бор имкониятларини ишга солиб фаолият юритишмоқда.***

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ҳам ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, фарзандларимизни ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони ҳамда замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

Хусусан, ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг фаолияти сиёсий етук ва ташаббускор ёшлар саъй-ҳаракати билан янада юксалиш сари юз тутмоқда, десак хато бўлмайди. Партия Кенгаши томонидан ташкил этилаётган тадбир, давра суҳбатлари, турли акция ва форумлар ҳамда ўқув-семинарларда "Ёшлар қаноти"нинг фаол иштирокини эътироф этиш лозим. Вилоятда партия аъзоларининг 4 минг 382 нафарини ёшлар ташкил этади. Айни пайтда "Ёшлар қаноти" ҳузурида "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби ташкил этилган бўлиб, у ўз сафига ҳар соҳада фаол ёшларни бирлаштирган. Улар ҳудуддаги турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, жумладан, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ёшларни "Миллий тикланиш" ғояси атрофида бирлаштириш, партия мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш борасида кўплаб ишлар олиб боришмоқда. "Ёшлар — миллий анъаналаримиз давомчиси", "Ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш — давр талаби", "Миллий ғурурни мустаҳкамлашда ёшларнинг ўрни", "Буюк сиймолар — миллий маънавиятимиз асосчилари" мавзусидаги тадбирлар, давра суҳбатлари, "Озод юртнинг обод гўшаси" номли ёшлар форуми ва турли кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиларининг бу каби саъй-ҳаракатлари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, уларда етакчилик маҳоратини шакллантириш ҳамда сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Партия "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўрганиш, унинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга тушунтириш мақсадида қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда, - дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Дилбар Муқумова. — Шунингдек, интилувчан ва қобилиятли ёшларни партия атрофида бирлаштириш, уларни ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишда фаол иштирокини таъминлашга интиляпмиз.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, тадбирларимиз шунчаки ўтказилмаяпти, балки ўз амалий натижаларини бермоқда, - давом этади суҳбатдошимиз. — Жумладан, "Битурувчи ёшларни касбга йўналтириш — асосий вазифамиз" мавзусидаги тадбирга шаҳримиздаги турли корхона ва ташкилот вакиллари таклиф қилиниб, "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир доирасида битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида шартномалар имзоланишига эришдик. Шунингдек, Саммаишийсервис бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "XXI аср — интеллектуал авлод асри" мавзусидаги тадбирдан сўнг корхона раҳбарияти томонидан бирлашма қошида бошланғич партия ташкилоти тузиш таклифи билдирилди. Натижада корхонанинг энг ёш ва ташаббускор ходимлари партия аъзолигига қабул қилинди.

"Ёшлар қаноти" ташаббуси билан жорий "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари" шиори остида қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Унга партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ФҲДЁ ходимлари билан бир қаторда ҳаёт тажрибасига эга намунали оилалар, кўпни кўрган отахону онахонларнинг ҳам таклиф этилаётгани тадбирлар самарадорлигини оширмоқда. Хусусан, "Тенгдошим" нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган "Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш: унинг ижтимоий, психологик ва иқтисодий аспектлари", ФҲДЁ органлари билан ҳамкорликдаги "Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда никоҳ шартномаларининг аҳамияти" мавзуларидаги тадбирлар барча ҳудудий ташкилотларда ўтказилиб, уларда оила муқаддаслиги, унинг қадриятларини асраб-авайлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, никоҳ шартномаларининг аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар юритилди.

— Самарқанд аждодларимизнинг бой мероси, миллий қадрият ва урф-одатларини ўзида мужассам этган қадимий гўшалардан бири саналади, - дейди "Ёшлар қаноти" фаоли Зулхумор Ашурова. — Бу тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун етказишга кўмаклашиш биз ёшларнинг ҳам бурчимиздир. Шу боис "Ёшлар қаноти" фаоллари бу мўъжизавий шаҳар, унинг тарихи ва ёдгорликлари ҳақида тенгдошларимизни хабардор қилиб боришни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантирганмиз. Бу борада "Мен буюк юрт фарзандиман", "Озод юртнинг обод гўшаси"- деб номланган ёшлар форумларини ташкил этиб, тенгдошларимиз онгида ватанпарварлик, юртга садоқат ва миллий ғурур туйғуларининг янада юксалишига оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиляпмиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## Миллий ҳунармандчилик

### УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЎзМТДПНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизда истиқлол туфайли ҳунармандчилик, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланиб янада сайқал топмоқда. Президентимизнинг 1997 йил 31 мартда "Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигини ривожлантириш ва уни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳани ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Унга асосан Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ташкил этилгани ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар тайёрлаган маҳсулотларни сотиш ва "устоз-шогирд" анъанасини изчил давом эттиришда муҳим восита бўлмоқда. Уюшманинг жойлардаги 13 та ҳудудий бошқарма ва 150 та бўлими соҳани кенг ривожлантириш, қўлигул, моҳир ҳунармандлар тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш ва истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Таъкидлаш жоизки, ҳунармандлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий электорати саналади. Партия сайловолди Платформасида қайд этилганидек, халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, шунингдек, миллий ҳунармандчилигимизга хос бўлган "устоз-шогирд" анъанасини сақлаган ҳолда ушбу соҳани янада кенг ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади. Бу борада ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва "Ҳунарманд" уюшмаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми соҳадаги ислоҳотлар жараёнини янада ривожлантириш, электорат манфаатларини таъминлаш, қадриятларимиз давомчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини юзага чиқариб, муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, мазкур йўналишдаги вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда ҳудудий партия ташкилотлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгаши депутатлари ва "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Ховос туман Кенгаши томонидан "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими билан ҳамкорликда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. "Ҳунарли хор бўлмас", "Ҳунар — қўлингдаги зар", "Тадбиркор — элга мададкор", "Оилавий корхонани ривожлантириш — фаровонлик гарови" каби мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, Ховосда ҳам моҳир уста-ҳунармандлар кўплаб топилади. Ҳудудда миллий ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, бешиксозлик, сандиқчилик каби йўналишлари кенг ривожланган.

"Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими раиси Ибодулла Норқўзиевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда 80 нафардан зиёд қадриятларимиз давомчилари уюшма сафига бирлашиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчиликни янада тараққий эттириш йўлида самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

"Гулбаҳор" қишлоқ фуқаролари йиғинида яшовчи чевар Зулфия Пўлатованинг тўй либослари довруғи бутун туманга ёйилган. Негаки яхши ниятлар билан тўй қилаётган ҳар бир ховослик унга буюртма беришга ҳаракат қилади. Қўлигул чевар томонидан тайёрланган келин-куёв ва тўй болаларнинг нафис либосларида халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий қадриятлари ўз ифодасини топган. З.Пўлатовадан ҳунар сирларини ўрганган беш нафар шогирд устози ишини муносиб давом эттирмоқда. Ховослик яна бир ҳунарманд Бердиқул Отабоев ёғочларга жон киритиб, ундан бир-биридан чиройли эшик, ром, стол-стул тайёрласа, Шоҳрух Норматов эса хонадонида замонавий мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ховос шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган ҳунарманд Мавлуда Исмоилова томонидан тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари ҳам истеъмол бозоридан муносиб ўрин эгаллаган.

— "Мустаҳкам оила йили"да тумандаги ҳунарманд ва оилавий тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, - дейди "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими раиси Ибодулла Норқўзиев. — Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, ЎзМТДП туман Кенгаши билан яқин ҳамкорлигимиз соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини қадриятларимиз давомчилари орасида тарғиб қилиш ва тушунтиришда қўл келмоқда.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

## Мустақилликнинг шонли санаси

### ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН**

ЎзМТДП Нукус шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» ЁИҲ Нукус шаҳар бўлими Кенгаши, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Баркамол ёшлар — обод Ватан келажаги» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия Нукус шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Аёллар қаноти» фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Тадбир мамлакатимизда ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш, шунингдек, эртамиз эгалари қалбида кўп асрлик миллий урф-одат ва анъаналарга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мавжуд шарт-шароитлар самараси ўлароқ бугун ёшлар турли соҳаларда ўз имкониятларини тўла намоён этмоқдалар. Партия томонидан ташкил этилаётган бу каби тарғибот тадбирлари эса ёшларнинг жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш уларнинг етук кадр сифатида шаклланишида туртки бўлади.

Тадбирда ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари учун уларни турли фан тўгаракларига жалб қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароитлар яратиш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

Маҳаллалар азалдан кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этибгина қолмасдан, балки миллий анъана ва қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтишида давомий кўприк сифатида қадрланган. Шу боис истиқлол йилларида маҳалла институтини шакллантириш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП Сергели туман Кенгаши ва туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган "Маҳалла — қадриятлар бешиги" мавзусидаги тадбирда ҳам шу хусусда сўз борди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Сергели туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ш.Ибрагимов кириш сўзи билан очиб, ўзини ўзи бошқариш органи сифатида маҳалланинг жамиятда тутган ўрни ва уларни янада ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, нотиқ маҳалла институтининг шаклланиши ва такомиллашуви, ўзаро ҳамкорлик ҳамда миллий урф-одатларимизни асраб-авайлашда маҳалланинг беқиёс ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Йиғилишда маҳаллани қадриятлар бешиги сифатида ривожлантириш, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ФАРҒОНА**

Барча жойларда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам Мустақилликнинг 21 йиллиги муносабати билан турли учрашув, байрам дастурлари ва тадбирлар ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Қува туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди. Туман маданият уйи ва "Янги ҳаёт" ҚФЙ ҳамкорлигида ташкил этилган "Юксалишнинг мустаҳкам таянчи" мавзусидаги тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбир мустақилликнинг шонли санаси арафасида юртдошларимизга байрам кайфияти улашиш билан бир қаторда, уларга Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари мазмун-моҳиятини тушунтириш, ёшларда истиқлол шукронаси билан яшаш туйғусини кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

— Истиқлол йилларида юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун барча юртдошларимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда, - деди ЎзМТДП Қува туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Х.Рустамов. — Фарзандларимизда истиқлолнинг қўлга киритилиш машаққатлари ҳақида тўғри фикр уйғотиш, улар қалбида шукроналик туйғусини шакллантириш биз катта авлод вакилларининг асосий вазифамиз саналади. Шу боис бажараётган ҳар бир амалимиз, айтаётган ҳар бир сўзимиз ва иш фаолиятимиз билан фарзандларимизга ўрнак бўла олсак, юртимиз келажаги албатта буюк бўлади.

Бундай тадбирлар ёш авлодга маънавий озуқа бериши ва дахлдорлик туйғусининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТАРҒИБОТ

## Маҳалла — қадриятлар маскани

### ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ширин шаҳар Кенгаши томонидан "Маҳалла бетакрор миллий ва демократик қадриятлар маскани" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Сирдарё вилоят ва Ширин шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Тадбир ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда халқимизнинг ўзига хос маънавий-миллий анъана ва қадриятлари ифодаси бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўрнини ошириш, оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллалар мавқеини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Буни бугун маҳаллаларда ўз ижросини топаётган йил дастури ва бажарилаётган хайрли амаллар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан партия дастури, сайловолди ҳаракат дастури доирасида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

**У.НОРМАТОВ,**
**ЎзМТДП Гулистон шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда таъкидланганидек, бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ва жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашда маҳалланинг ўрни тобора кучайиб бормоқда. Мазкур тадбир воситасида маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш борасида олдимизда турган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

**М.БЕГАЛИЕВ,**
**ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони мутахассиси:**

— Маҳалла оилалар асосида ташкил топади. Оила шундай маконки, унда авлодлар камол топади, инсоният насли бардавомлиги таъминланади, бола тарбияси, ёш авлоднинг жамиятга мослашуви, шахс тарбияси шаклланади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам оила масаласига эътибор орқали жамиятимиздаги барқарорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш ғоясини илгари суради. Тадбирда маҳалла аталмиш қутлуғ масканнинг тинч ва фаровонлигини оширишга қаратилган ишларимизни янада кучайтириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**Ўз мухбиримиз**

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

***Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари сиёсий партиялар, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади. Зеро, қуйи бўғин партия ғоя ва мафкурасини дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, партия электорати манфаатларини таъминлаш ҳамда улар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.***

## Ғолиблик сари қадам

### ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши таркибида 12 минг 535 нафар партия аъзосини бирлаштирган 534 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш, партия электорати ва ижтимоий қатламлари билан ишлаш усулларини янада такомиллаштириш, БПТ етакчи ва фаоллари малакасини ошириш юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатлари ва ҳудудий ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг "Нукус аэропорти" қошида тузилган бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни жамоатчиликка етказишда самарали фаолият кўрсатаётган ташкилотлардан бири саналади. Бугунги кунда А.Жиемуратова етакчилик қилаётган мазкур қуйи бўғин 71 нафар партия аъзосини бирлаштирган.

— Бошланғич партия ташкилоти электорат ва ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ва давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тушунтиришга қаратилган қатор ишларни амалга оширмоқда, - дейди БПТ етакчиси. — "Оиланинг иқтисодий барқарорлиги жамият тараққиётининг асосидир", "Хотин-қизлар сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришда сиёсий партияларнинг ўрни", "ЎзМТДП ҳаётида партия нашрининг ўрни ва аҳамияти", "Давлат ва жамият қурилишида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш ва иштирокини таъминлаш", "Партия фаолиятида ёшларнинг иштироки ва ўрни", "Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги — энг олий мақсадимиз" каби мавзулардаги тарғибот тадбирлари шулар жумласидандир.

Қуйи бўғин партия ҳудудий ташкилоти ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, халқимизнинг бой тарихий ўтмиши, бугуни ва келажаги билан фахрланиш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Аҳамиятли томони шундаки, танловда "Нукус аэропорти" жамоасидан ташқари 10 дан зиёд оила вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, қуйи бўғин фаоллари ўз меҳнат фаолияти ҳамда партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юртимиз меҳмонларини ҳудуднинг азалий қадрият ва анъаналари, қадимий қадамжолари, миллий ҳунармандчилик намуналари билан яқиндан таништириш, туризмни ривожлантиришга кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Самарали фаолият ва жамоатчилик эътибори натижасида қуйи бўғин партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ғолибликни қўлга киритди.

— Маълумки, партия мафкураси ва ғоясини тарғиб қилишда, аввало, қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш муҳим ўрин тутади, - дейди ЎзМТДП Нукус шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Худойберганов. — Шу боис ҳудудий партия ташкилоти томонидан бошланғич партия ташкилотлари етакчилигига ташаббускор ва фидойи кадрларни танлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қўл келмоқда.

**Қуйи бўғин фаоллари ўз меҳнат фаолияти ҳамда партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юртимиз меҳмонларини ҳудуднинг азалий қадрият ва анъаналари, қадимий қадамжолари, миллий ҳунармандчилик намуналари билан яқиндан таништириш, туризмни ривожлантиришга кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Самарали фаолият ва жамоатчилик эътибори натижасида қуйи бўғин партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ғолибликни қўлга киритди.**

**Левитан АБДИМУРАТОВ,**
**ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ


ҚУВА ТУМАНИДАГИ "TILLAVOLDI BUNYODKOR" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Мамлакатимиз халқини дунёда бетакрор
она юртимиз, жонажон Ўзбекистонимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод этади.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМ,
ЮРТИМИЗ БУНДАН-ДА ФАРОВОН БЎЛСИН!



"ҚЎШКЎПИР САВДО"
ШЎЪБА КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳлини
Ватанимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
21 ЙИЛЛИК

байрами билан
самимий қутлайди.

Хонадонларингиздан
бахт-саодат,
тўкин-сочинлик,
қут-барака
аримасин!





МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

## Жиззах Ўлкашунослик музейи

### ВИЛОЯТ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий маданиятимизнинг нақадар бойлиги мана шу оддийгина мисолларда ҳам ўз тасдиғини топгандек гўё... Чунки, ҳаётни санъаткорона руҳда идрок этиш ва яратувчанлик халқимиз қон-қонига сингиб кетган.

Албатта, тараққиётга муштарак равишда миллат қадриятлари ҳам уйғун ривожланиб, бойиб бораверади. Халқ маданияти, турмуш тарзи, тафаккур дунёси ва яратувчанлик маҳорати эса ҳар бир давр руҳи, қиёфасининг рамзи сифатида музей хазиналарида сақланади. Жиззах вилоят Ўлкашунослик музейи ҳам воҳа тарихи, турмуши, маданияти ва ўтмиши билан боғлиқ ёрқин жиҳатларини ўзига муҳрлаган ноёб кўзгу десак муболаға бўлмайди. 1986 йилда ташкил топган музей дастлаб 5 та бўлимда иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, 4 та филиал ва 3 та бўлимни ўз ичига олган. "Шароф Рашидов", "Ҳамид Олимжон ва Зулфия" ёдгорлик музейлари ҳамда Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманларида жойлашган "Тарих", "Халқ ижодиёти ва тарихи", "Шоншуҳрат" бўлимлари ҳам шулар қаторига киради.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда умумий экспонатлари сони 21764 тани ташкил этадиган Ўлкашунослик музейининг асосий фондидан 12 354 та экспонат жой олган бўлса, ёрдамчи фонддаги экспонатлар сони 9410 тани ташкил этади. Биргина 2011 йилда йиғилган экспонатлар сони 351 тага етган. Улардан 174 таси асосий фонд ҳисобига олинган. Музей фондини тўлдириш бўйича қатор илмий экспедициялар вилоятнинг Жиззах, Фориш, Бахмал ва Зарбдор туманларида олиб борилган бўлиб, янги экспонатларнинг бари музейга қабул қилинди.

— Музейдаги буюмлар орасида мавжуд энг ноёб ашёлар сони 15 тани ташкил этиб, араб тилидаги эски китоб, тош босма усулидаги эски китоб, VI асрга тааллуқли сопол тоғора ва хум, Амир Темур даврига оид 10 та танга ва қинли қилич шулар жумласидан, - дейди вилоят Ўлкашунослик музейи Фонд бошлиғи Фароғат Мўминжонова. — Мисол учун, Жиззах қўзғолони (1916 йил) га оид бўлган қиличнинг дастаси мис, тиғ қисми пўлат, қиличнинг тиғ қисмида тарози нусхаси туширилган. Қиличнинг даста қисмида арслоннинг бош қисми акс этган. Тиғнинг бош қисмига денгизчиларга хос лангар нусхаси туширилган бўлиб, ўсимликлар акс этган нақшлар билан безатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят Ўлкашунослик музейи таркибидаги Зомин тарихий Ўлкашунослик музейи биноси тўлиқ таъмирланди.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вилоят Ўлкашунослик музейи жойлашган бино 1903 йилда қурилган. Ҳаддан зиёд яроқсиз ҳолга келиб қолган музей биноларида фаолият кўрсатиб келаётган ноёб экспонатларни жойлаштириш ва сақлаш учун махсус мосламалар йўқлиги боис экспонатларнинг кўпчилиги зах ерда турибди. Бу эса ўз навбатида уларнинг кўриниши ва сифатли сақланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари тарих, табиат, санъат бўлимлари кунлик кўчма кўргазма тарзида фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда 450 тага яқин экспонат вилоят қўғирчоқ театрининг 3 та хонасига жойлаштирилган.

Музей ходимларининг ишлаши учун алоҳида хоналар, стол-стуллар етишмайди. 1992 йилдан бери экспонатлар сотиб олиш учун маблағ ажратилмаган. Инвентарлар учун 2009 йилда маблағ ажратилиб, икки тўплам стол, стуллар жамламаси олиб келинган, холос.

— Музей фонди экспонатларини сақлаш учун мослаштирилмаган. 2006 йилда авария ҳолатида деб айтилганига қарамай ҳали-ҳануз бу борада керакли чоралар кўрилгани йўқ, - дейди музей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Санам Сатторова. — Захира фонди ертўлада жойлаштирилган. Экспонатларни вақти-вақти билан ўз имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда дорилаб турамиз. Рассомлик, амалий санъат, маиший этнография, ҳужжатга оид 74 та экспонат реставрацияга муҳтож.

Албатта, Ўлкашунослик музейидаги бу каби ҳолатлар ҳар қандай тарихга ҳурмати баланд, зиёли кишини ўйга толдириши шубҳасиз. Боиси, музейлар халқимиз ўтмиши, бой маданий ва маънавий меросимизни тарғиб этувчи асосий омил саналади. Уларда халқнинг кечаси, бугуни ва эртаси яшайди. Тарихий обидалар ва меросни асраб-авайлашга кўмаклашишни ўзининг етакчи дастурий мақсади сифатида эълон қилган ЎзМТДП ташкилотлари зиммасида ҳам алоҳида масъулият мавжудки, партиядан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эътиборини мазкур масалаларга қаратади, деган умиддамиз.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish"**
**мухбири**





НУКУС ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

жамоаси

*Энг улуғ ва энг азиз бўлган Истиқлол байрами билан барча ўзбекистонликларни чин қалбдан табриклайди.*

Парвозимиз доимо бехатар ва хайрли бўлсин.

БАЙРАМ МУБОРАК!

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

## УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ, “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ, МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

*Мамлакатимиз*

**Мустақиллигининг 21 йиллиги**

*байрами билан қутлайди.*

*Ватанимиз равнақи, оилангиз мустаҳкамлиги учун қилаётган саъй-ҳаракатларингизга ривож тилаймиз. Дастурхонингиздан қут-барака аримасин.*



**БАЙРАМ МУБОРАК!**

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

“ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ”
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ
ЖАМОАСИ

Халқимизни
Ўзбекистон Республикаси
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
21 ЙИЛЛИГИ
билан қутлайди.

Бободеҳқонларимизнинг
пахта хирмонлари янада юксалсин.
Рўзғорингиздан қут-барака,
тўкин-сочинлик аримасин!



ШУКРОНА

## Мустақиллик берган имкониятлар

***Олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони — бу халқимизнинг бақувват иймон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабатлари тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намоён бўлмоқда.***

Бу бежиз эмас. Чунки Истиқлолимизнинг ўтган йиллари мобайнида юртимизда амалга оширилган барча ислоҳотларнинг туб замирида, аввало, инсон манфаати, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқини энг олий қадрият сифатида эътироф этиб келинаётганлиги, мамлакатимизнинг энг катта бойлиги бунёдкор ва бағри кенг халқимиз эканлиги тушунчаси мужассамдир.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларга мувофиқ амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аёлларга, кўп болали оналарга, мактаб ўқитувчилари ва студентларга давлат томонидан бериладиган моддий ва маънавий ёрдамлар соғлом авлодни тарбиялаш учун замин яратмоқда.

Истиқлол йилларида баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада болалар ва ёшлар ҳуқуқларини самарали амалга ошириш ва барча соҳаларда ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилганини ҳис қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, Фуқаролик ва Оила кодекслари қабул қилиниб, вояга етмаганлар ва ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг замон талабларига мос демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди.

Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим бўғини оилага катта эътибор қаратилган. Зеро, Президентимиз қайд этганидек, соғлом мустаҳкам оила, биринчи навбатда янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа, деб билишимиз даркор.

Шу маънода ёш оилаларни уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш, бюджет маблағлари ҳисобига ҳомиладорлик ва туғруқлар, бола туғилганида бериладиган нафақаларни, болаларни 2 ва 18 ёшгача парвариш қилиш бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўловларини таъминлаш йўли билан ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, 1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари тўплами билан, кам таъминланган оилалардаги мактаб ўқувчиларини эса қишки кийим-кечак тўплами билан бепул таъминлаш каби амалий аҳамиятга эга тадбирлар давлат дастуридан ўрин олган.

2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб номлаш замирида жуда катта маъно ётибди. Оилани мустаҳкамлаш воситасида маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш кўзда тутилган. Истиқлол бизга инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида улуғланадиган демократик давлат, аждодларимиз орзу қилган маърифатли жамият қуриш имконини берди. Зеро, бу Истиқлолнинг бизга ҳадя қилган энг буюк тухфасидир.

**София ХИДИРНАЗАРОВА,**
**Қамаши туман ФХДЁ бўлими мудири**

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ
“ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ БОЙСУН ТУМАН
КЕНГАШИ ЎҚУВ-СПОРТ ТЕХНИКА КЛУБИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, устоз ва мураббийларни
Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига 21 йил
тўлиши билан қизғин табриклайди.

Сизларга соғлик-омонлик,
хонадонингизга тўкинлик тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!



“ЖАНУБГАЗҚУРИЛИШ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Ватанимиз
Мустақиллигининг 21 йиллик
байрами билан табриклайди.

Тинчлик, осойишталик, тўкин-сочинлик, қут-барака
азиз Ўзбекистонимизни ҳеч қачон тарк этмасин!



ТАНЛОВ

## Мафтункор ранглар олами

***Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида “Мафтункор ранглар олами” иқтидорли болалар республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ногиронлар жамияти, Бадиий академия, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ғолиблари қатнашди.

Тадбирда таълим, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги изчил ислоҳотлар жараёнида умумтаълим мактаблари билан бирга меҳрибонлик, мурувват уйлари, ихтисослаштирилган ўқув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, мамлакатимизда инклюзив таълим асосида соғлом ва имконияти чекланган болаларнинг биргаликда ўқиши учун шароит яратиш, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, тиббий-реабилитация ишларини самарали йўлга қўйиш борасида кўплаб ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Мафтункор ранглар олами” республика кўрик-танлови тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг иқтидорини аниқлаш, ижодий-интеллектуал ривожланишига кўмаклашишга хизмат қилмоқда. Танловнинг республика босқичи эркин мавзу асосида ўтди. Болалар табиат манзаралари, ўз оила аъзолари, жонажон мактаблари, эртак қаҳрамонларини расмларида акс эттиришди.

Танлов доирасида ихтисослаштирилган мактаблар, мурувват, меҳрибонлик уйлари болаларининг ижод намуналаридан иборат бадиий кўргазма ташкил этилди ҳамда болалар иштирокида пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар уюштирилди. Шунингдек, танлов қатнашчилари юқори малакали шифокорлар томонидан тиббий-кўрикдан ўтказилди.

Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ


## "KARMANA FENIKS" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ



Ватандошларимизни ва юртимизга ташриф буюраётган азиз меҳмонларни

**Истиқлолнинг 21 йиллиги**

билан қизғин табриклайди.



## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ


O'ZBEKISTON POCHTASI

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ
*жамоаси*




*Барча юртдошларимизни*

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

*билан муборакбод этади.*

Элу юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

БАРЧАНГИЗГА БАЙРАМ МУБОРАК!


СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

## Ворисдан кейинги ворис

### У ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

***Узоқ қариндошимиз барча мол-мулкини менга мерос қолдирганди. Мен унинг уй-жойини маҳалла қўмитаси ихтиёрига топширмоқчи бўлдим. Аммо васиятномада яна бир киши ворисдан кейинги ворис сифатида кўрсатилган экан. Бу ҳолат менинг хатти-ҳаракатимга монелик қиладими?***

**Қ.ХАҚҚУЛОВ,**
**Бухоро вилояти**

Васият қилувчи меросхўрнинг бевақт вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги, меросдан воз кечиши, нолойиқ меросхўр сифатида мерос олишдан четлаштирилиши, шунингдек, васиятномада белгиланган шартларнинг бажарилмаслиги каби ҳолатларда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.

Меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин. Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарарига меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми меросхўрлар ўртасида ушбу кодекснинг 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

Меросхўрлар жумласига васиятнома бўйича мерос қилиб қолдирилган ворислар ҳам киради. Юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

**Зулфия АРИФДЖОНОВА,**
**Сергели туман**
**ДНИ нотариуси**

ЭЪТИРОФ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Ўзбекистон тиббиётининг миллий модели: унинг ўзига хос жиҳатлари, халқаро эътирофлар ва истиқболдаги устувор вазифалар” мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

## Ўзбекистон тиббиётининг миллий модели

### ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР, ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат қудрати ва бойлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири — тиббиёт тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Вилоят марказларида катталар ва болаларга ихтисослашган тиббиёт муассасалари бунёд этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Мана шундай ислоҳотлар натижасида йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси етти йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида 75 ёшга етди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятлардан яна бири бу ихтисослашган тиббиётдир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони доирасида тизимда хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология каби йўналишларда ўнта республика ихтисослашган марказ ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шу ўринда республика миқёсида ҳар ойда ўтказиладиган туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталигини таъкидлаш ўринли. Комплекс чора-тадбирлар доирасида касалликни эрта аниқлаш ва даволашни ташкил қилиш, касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тиббий кўриклар мунтазам ўтказилмоқда. Илгари ҳатто тасаввуримизга сиғдириш қийин бўлган скрининг ва перинатал марказларининг кенг тизими жорий этилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ҳар икки тизим марказлари самарали фаолият юритмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига асосланган Миллий эмлаш календари қабул қилинди. Бу жараён ҳар йили болаларнинг деярли 99 фоизини асосий юқумли касалликларга қарши эмлашни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам ушбу касалликларнинг бир нечтаси мамлакатимизда кўп йиллар давомида қайд қилинмаётир. Бир қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра аёлларга қулай шароитлар яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган ютуқлар 2011 йил пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуида халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари, 50 га яқин давлатлар томонидан юксак баҳоланди.

**Адибахон**
**РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОСОН ТУМАНИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ
*жамоаси*

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бағрикенг, меҳнатсевар, саховатли халқини

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик шодиёнаси

билан самимий қутлайди.



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

## Ободлик ва бунёдкорлик

### ЁХУД БУХОРОЛИКЛАРНИНГ БУГУНГИ ҚУВОНЧЛИ ТАШВИШЛАРИ

***Орзу-ҳавас билан яшаётган инсон борки, яратувчанлик, бунёдкорлик ҳақида ўйлайди. Бироқ халқимиз энг аввало, эл-юрт манфаатини биринчи ўринга қўяди. Ўз толеини Ватан тақдири, халқ тақдири билан боғлайди. Зеро, ана шундай эзгу ўй-ташвишлар, саъй-ҳаракатлар билан умр кечираётган инсонларни юртпарвар, элпарвар деймиз.***

Бугун кўҳна ва навқирон Бухоро заминининг гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз буришида ана шундай инсонларнинг беминнат хизмати, беқиёс ҳиссаси бор. Чунки, истиқлол вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Юртдошларимиз қалбида ободлик ва бунёдкорлик иштиёқи уйғонди.

Бир пайтлар хом ғишт ва пахса девордан қурилган бинолар ўрнини эндиликда замонавий, кўркам иншоотлар, ҳусн ва латофатда тенги йўқ кўчалар, кўзни қувнатадиган иморатлар эгаллади. Вилоятнинг қай гўшасига борманг қишлоқ ва маҳаллаларимиз обод ва кўркам бўлиб бораётгани, халқимизнинг турмуш даражаси тобора яхшиланаётганлиги, ўз навбатида, маиший хизмат ва сервис соҳасини замон талаблари даражасида ташкил этилганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

— Олис қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар жойларни кўриб хурсандчиликдан ичимга сиғмай кетаман, - дейди "Олмос тўра" МЧЖ раҳбари Аваз ака Панаев. — Мана саккиз йилдирки, вилоятимиздаги турли қурилиш ва таъмирлаш ишларида қатнашяпмиз.

Мусиқанинг таълим-тарбиядаги ўрни, аҳамияти беқиёс. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги қарори баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим асос бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат соҳада катта бунёдкорлик ишларини бошлаб юборди. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг салобат билан қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам санъат кошоналарини кўрасиз.

Пешку туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги ўқув биноси қурилиши март ойида бошланган эди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 141 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган мазкур иншоот мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Болалардаги қобилият, истеъдод ва иқтидорни ўз вақтида илғаб, уларга кўмаклашиш, нафақат ота-она, балки жамиятнинг ҳам вазифаси саналади. Юртимизда ёшларнинг замон талаблари асосида таълим олишлари ва истеъдодларини юзага чиқаришлари учун бундай мактабларда барча имкониятлар яратиб берилган. Ана шу қурилишларда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Юртимизда тиббиёт соҳасида, хусусан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиб, энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланаётир. Бундай ижобий ўзгаришлар Бухоро вилоятида ҳам оз эмас.

— Бундай замонавий бинони анча йиллардан буён орзу қилиб келардик,- дейди Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Дилором Мардонова. — Мустақиллик туфайли кўркам, барча қулайликларга эга бўлган муҳташам бинога эга бўлдик. 140 ўринга мўлжалланган мазкур тиббиёт бирлашмасида 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам, болалар, юқумли касалликлар, тери-таносил касалликлари каби бўлимлар ташкил этилган. 360 нафар тиббиёт ходимлари шаҳарнинг 56 мингдан зиёд ва қўшни туман аҳолисига ҳам намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур чора-тадбирлар яхши йўлга қўйилган. Барча бўлим ва хоналар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Шу кунларда мебеллар ҳам келтирилаяпти. Июль ойининг бошида фойдаланишга топширилган тиббиёт бирлашмаси қурилишини 20-трестнинг Абдулла Пўлатов раҳбарлигидаги 17-вакиллик қурувчилари амалга оширди.

Фарзандларимиз саломатлиги ва таълим-тарбиясига ҳар тарафлама эътибор берилаётганлиги замирида эртанги кунимиз эгаларига нисбатан юксак ишонч ва рағбат мужассам. Осмони мусаффо, халқи фаровон юртга ободлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик ярашади.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish"**
**мухбири**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ
БУХОРО ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
жамоаси

Мустақиллигимизнинг
21 йиллик
байрами билан
самимий табриклайди.

Сизларни шодлик,
меҳр-оқибат,
шукроналик тарк этмасин!





ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ,
РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
НУКУС ФИЛИАЛИ ВА РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ
ЁРДАМ ШИФОКОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИНИНГ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимиз ва тиббиёт соҳасида хизмат
қилаётган ҳамкасбларимизни
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ
билан табриклайди.







Бахт ва қувонч сизларга
доимо ҳамроҳ, барча яхши
ниятларингиз ижобат бўлишини
тилаб қоламиз!

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК!

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЕШАРИҚ ТУМАНИДАГИ "САДИНИСО ОНА ФОЗИЛОВА" ҳамда "ЖАЛИЛОВА ШОҲИДАХОН" ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАСИ

*Серқуёш Ўзбекистонимизда яшовчи барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз — Мустақиллик байрами билан табриклайди!*

Истиқлол айёми ҳар бир хонадон ва жамоага файз-барака келтирсин!



"5-ELLIKQALA QURILISH KORXONASI" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам —*

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИК

*тўйи билан муборакбод этади!*

*Ободлик ва бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!*





## АНЖУМАН

# Яраштириш комиссиялари

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА

***Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлаб соҳага доир барча ҳуқуқий механизмлар шакллантирилди ва вақт ўтган сайин янада такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибида тузилган яраштириш комиссиялари муҳим ўрин тутади.***

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ўтказилган "Яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги матбуот анжуманида ушбу комиссиялар ишини янада жонлантириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов маъруза қилиб, юртимизда истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилгани, маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинига айланганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жамоатчилик орасида миллий қадриятларни тарғиб қилиш, маданий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш орқали оила ижтимоий институтини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва мавжуд масалаларни ечишда маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида фаолият юритаётган яраштириш комиссиялари муҳим ўрин тутмоқда. Яраштириш комиссиялари фуқароларнинг оила ва маҳаллада тинч, ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида тузилади.

Анжуманда таъкидланганидек, яраштириш комиссиялари зиммасига оилалардаги ижтимоий руҳий вазиятнинг мўътадил бўлишига эришишдек масъулият юкланган. Шу ўринда улар маҳаллалардаги оилавий кўйди-чиқдиларнигина муҳокама қилиб қолмасдан, балки муросага кела олмаётган оилаларни оқилона яраштириш, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат ва иноқлик ришталарини мустаҳкамлаш, тўй ва бошқа маросимларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш, аёлларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик таъсирига тушиб қолмасликнинг олдини олиш каби вазифалар ҳам яраштириш комиссиялари ваколатига киради.

Яраштириш комиссиялари таркибида маҳалла-кўйда обрў-эътибор орттирган, давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган фуқаролар, хусусан, ҳудудий милиция инспектори, педагог, имом-хатиб ва маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолият кўрсатади. Яраштириш комиссиялари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз маҳаллалари бўйича 3 миллионга яқин оила аҳволи ўрганиб чиқилиб, таҳлил этилди. Бунга Фонд тузилмалари томонидан 113 мингдан ортиқ фуқаро жалб қилинди. Шунингдек, 13 мингдан ортиқ моддий ёрдамга муҳтож оилаларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлинмалари ҳисобидан 1,5 миллиард сўм миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, маҳалла мутасаддилари, комиссия аъзолари билан биргаликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 10 мингдан ортиқ оилалардаги турли нотинчликлар бартараф... ҳам топди. Комиссия таркибидаги нуроний отахон ва онахонлар, зиёли ва обрўли инсонлар кўмагида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари оқибатида 11 мингдан зиёд оила яраштирилди.

Тадбирда бот-бот таъкидланганидек, яраштириш комиссияларининг фаолияти фақат низоли оилалардан келиб тушадиган аризаларни кўриб чиқишдан иборат бўлмай, балки оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз аҳамиятини тушунтириш, уларнинг тинч-тотув яшашларига кўмаклашишдан иборат бўлмоғи лозим.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Яккасарой тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 7 октябрда № 006275-11 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган «SUNNAT FAYZ SAVDO» МЧЖ ўз фаолиятини тугатганлигини маълум қилади. Даъво аризалар бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар, У.Носир кўчаси, 44-уйда қабул қилинади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси ЎзМТДП Қуйичирчиқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Амона Халикованинг ўғли

**Ихтиёрбек АШИРМАТОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"АНДМЕТАЛЛҲАМКОР" МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ




## Qishloq Qurilish Bank

*Барча юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва мижозларини мамлакатимиз*

*Мустақиллигининг 21 йиллиги*

*байрами билан самимий муборакбод этади!*



***Она Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:***

**Миллий валютада:** "ИСТИҚЛОЛ" — муддати 3-ой
"МУСТАҚИЛ ОИЛА-3" — муддати 3-9 ой
"Мураббий" — муддати 2-ой
"МАДАД" — муддати 1-йил

**Хорижий валютада:** "ФОРТУНА" — муддати 3-12 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Ахборот маркази телефонлари:**
**(+99871) 150-39-93, 150-93-39**
**www.qishloqqurilishbank.uz**

*Хизматлар лицензияланган*

**ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!**

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
AGROBANK

## Биз билан келажак сари




**www.agrobank.uz**

**Хизматлар лицензияланган**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 6 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 819, Адади — 5119. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ
**Навбатчи:** Ўктам АБДУЛЛАЕВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.40.
***ISSN 2010-7714***

1 2 3 5